

5-1-2018

Opportunities for the Development of Tourism in Rural Areas in the Khorezm Region

U.R Matyakubov

Urgench State University, Urgench, 220100, Uzbekistan, umidjan.mat@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Matyakubov, U.R (2018) "Opportunities for the Development of Tourism in Rural Areas in the Khorezm Region," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 5 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Матякубов Умиджон Рахимович,
Урганч Давлат университети доценти, и.ф.н.
E-mail: umidjan.mat@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ жойларда туризмнинг моҳияти ва мазмуни очиб берилган бўлиб, бугунги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожланиши таҳлил қилинган ва қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятлари бўйича тавсиялар берилган.

Аннотация: В данной статье раскрывается суть и понятие сельского туризма, а также проанализировано нынешнее состояние сферы туризма в Хорезмской области и даны рекомендации по развитию возможностей сельского туризма.

Abstract: The article elaborates on the meaning and concept of rural tourism, and also the analysis of current condition of tourism sector of Khorezm region. Recommendations for the development of potential of rural tourism are given as well.

Калитли сўзлар: туризм, туризм иқтисодиёти, инфратузилма, агротуризм, қишлоқ жойларда туризм, туризм хизматлари

Кириш

XXI аср бошига келиб, туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб, мамлакатнинг экспорт имкониятларини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, солиқ тушумларини кўпайишида муҳим ўрин тутди. 2017 йилда дунё бўйлаб сайёҳлар сони 1,3 миллиарддан ошиб, 2016 йилга нисбатан 6,7 фоиз ошган. Сайёҳлар оқимининг энг кўп ўсиши Европа ва Африкага тўғри келган – 8 фоиз, Осиё-Тинч океани ҳудудига 6 фоиз, Яқин Шарққа 5 фоиз ва Америка давлатларига 3 фоиз тўғри келган [1].

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида жуда катта туристик имкониятларга эга мамлакат ҳисобланади. Мамлакатимиздаги мавжуд 4000 дан зиёд тарихий – археологик ёдгорликлар, табиий иқлим шароити, яъни биологик хилма-хил, гўзал ва бетакрор табиати, ҳайвонат ва ўсимлик дунёси, ҳамда миллатимизнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, анъаналари ўз навбатида тарихий-маданий, археологик, экологик, қишлоқ туризми каби хизмат турларини ривожлантириш имкониятини беради.

Мамлакатнинг асосий туристик дестинациялардан бири Хоразм вилоятида ҳам тарихий–маданий туризмни ривожланиши ҳисобига ички ва халқаро туристлар ташрифи йилдан-йилга кўпаймоқда. Воҳанинг ўзига хос бетакрор табиати, флораси ва фаунаси, қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари ўз навбатида экологик ва қишлоқ туризмни самарали ривожлантириш имкониятларини беради.

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасининг анча тараққий қилганлиги, аксарият аҳолининг қишлоқ жойларида истиқмот қилиши, қишлоқ ҳудудларида янги инфратузилмаларнинг пайдо бўлаётганлиги, қишлоқ ҳаётининг ўзига хос урф-

одатлари ва анъаналари бевосита қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятларини катта эканлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳукуратимиз томонидан янги қарор ва фармонлар, мақсадли дастурлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги ПҚ 1940-сонли "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури”да ҳам вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистонда қишлоқ туризмни янги ва истиқболли туризм йўналишларидан бири ҳисобланади. Даставвал, қишлоқ туризмнинг моҳиятини халқаро миқёсдаги мақсади ва вазифаларини аниқлаштириб олиш зарур. Рус олими А.Ю.Александрова дунёдаги кўп давлатлар қишлоқ туризмни экологик туризмнинг муҳим тармоғи сифатида қарашини таъкидлаган [3]. Э. Клаус “қишлоқ туризми”ни иккита таснифини келтиради: а) қишлоқ туризми бевосита фермер хўжаликлари билан боғлиқ фаолият тури бўлиб, одатда бу “Агротуризм” деб юритилиб, ривожланган мамлакатларда агротуризм қишлоқ туризмнинг тарихий бошланғич нуқтаси эканлигини таъкидлаган; б) Қишлоқ туризми қишлоқ жойларидаги ресурслар ва активлардан самарали фойдаланишга асосланган фаолият ҳисобланиб, асосан, бу жойда қишлоқлардаги мавжуд иқтисодий, ижтимоий, маданий ресурслардан максимал фойдаланиш назарда тутилади ҳамда қишлоқ аҳолиси анъаналарини ҳурмат қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган[4].

Республикамизнинг “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси”да қишлоқ туризмига қишлоқ халқини турмуши, урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан танишиш” деб таъриф берилган [5]. Америкалик олим С.Олленбург қишлоқ туризми фермер хўжалигида ташкил қилинадиган ишларда бевосита қатнашиш, хўжалик иш фаолиятини кузатиш ҳамда ўқув курсларида иштирок қилиш билан боғлиқ хизматларни мижозларга таклиф қилиш деб ҳисоблайди [6].

Шунингдек, Ўзбекистонлик олимлардан Р.Хайитбоев қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаси сифатида – қишлоқларда туризмни ривожлантириш орқали тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш асосида қишлоқ туризми хизматлари, туризм инфратузилмаларини фаолиятини ташкил қилишдан иборатдир деб ҳисоблайди [7]. Мамлакатимизда, хусусан, қишлоқ жойларидаги мавжуд туристик ресурслардан туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Э.Тоғаймуродов тадқиқотларида Самарқанд вилояти ҳудудларида эко-агротуризмни барқарор ривожлантириш имкониятлар бўйича илмий тадқиқотларни олиб борган [8].

Юқоридаги қайд қилиб ўтилган олимлар изланишларида Республика минтақларида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари кенг ёритилганлигига қарамаздан, Хоразм вилоятида қишлоқ туризмни ривожлантириш

масалалари етарли тадқиқ қилинмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бугунги кунда Хоразм вилоятида қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, тадқиқотлар натижасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, анализ ва синтез, SWOT- таҳлил, индукция, дедукция усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш тенденцияларини таҳлил қилиш жараёнида ушбу соҳа сўнги йилларда анча тараққий қилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2012 йилда вилоят бўйича жами сайёҳлик ташкилотлари сони 30 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг сони 2016 йилда 72 тани ташкил қилган (2 баробарга ошган), шундан меҳмонхоналар сони 26 тадан 52 тага (2 мартага кўпайган). Шунингдек, бугунги кунда вилоятда чет эл сармояси ҳисобига ташкил қилинган “Хейвак”, “Хива маликаси”, “Хоразм маликаси”, “Арқончи”, “Ҳаёт ИНН” каби уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилда вилоят меҳмонхоналардаги жами ўринлар сони 1477 тани ташкил қилган бўлса, 2016 йилда уларнинг сони 2300 тани ташкил қилган[9].

Хорижий сайёҳларнинг вилоятда ўртача бўлиш давомийлиги 2012 йилда 1,1 суткани ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 1,8 суткани ташкил қилган. Шунингдек, 1 нафар хорижий сайёҳнинг 1 кунлик ўртача харажати 2012 йилда 80 АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ўртача харажати 180-200 АҚШ долларни ташкил этган [10].

Хоразм вилоятида туризмни мақсадли ривожлантириш дастурларининг бажарилиши натижасида туристларга хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ўзгарди, яъни туризм инфратузилмасининг ривожланиши натижасида туризм хизматлари ривожланиш тенденциясига эга бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида туризм хизматлари ривожланишининг 2006-2016 йиллардаги ўзгариши

№	Йиллар	Ташкилотлар сони			Кўрсатилган хизматлар ҳажми	
		Жами	Меҳмонхоналар	Сайёҳлик фирмалари	Сўм (минг)	Доллар (минг)
1	2006	12	11	1	1398590,6	1125,0
2	2007	15	13	2	2135312,1	1378,8
3	2008	17	15	2	2441501,5	1602,4
4	2009	17	15	2	2931325,6	1495,0
5	2010	22	19	3	2665015,7	1420,0
6	2011	25	21	4	3677546,5	1750,0
7	2012	30	23	7	5562147,1	3347,1
8	2013	36	26	10	8673658,8	1888,6
9	2014	51	35	16	8314590,0	2166,7
10	2015	59	42	17	8757247,0	1977,5
11	2016	72	52	20	11386868,7	2308,2


Манба: Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2006 йилда вилоятда кўрсатилган туристик хизматлар ҳажми 1398590,6 минг.сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 11386868,7 минг.сўмни ташкил қилиб, 8 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, вилоятда 2006 йилда атиги 1 та туроператорлик фаолияти билан шуғулланадиган фирма мавжуд бўлса, 2016 йилда 20 тани ташкил қилган.

Сўнгги йилларда туристик хизмат кўрсатиш даражасининг ортиши натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг сони ҳам ортиб бормоқда (1-диаграмма).

1-диаграмма

2006-2016 йилларда Хоразм вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сони



Манба: Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

1-диаграммада келтирилган маълумотларига кўра, 2006 йилда вилоятга келган хорижий сайёҳлар сони 26,1 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 46,6 минг нафарни ташкил қилиб, деярли 2 баробарга ошган. Маҳаллий сайёҳлар 2006 йилда атиги 4,9 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 29,1 минг нафарга етиб, 6 баробар ўсганлигини кўраемиз. 2006 йилда Хоразм вилоятига ташриф буюрган жами сайёҳлар сони 31 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда эса ушбу кўрсаткич 75,7 минг нафарни ташкил қилган ва 2 баробарга ўсган.

Хоразм вилоятида кўп йиллардан буён давом этиб келаётган тарихий-меъморий туризмга ихтисослашиш билан бирга, айтиш мумкин вақтда унинг янги экологик, гастрономик қишлоқ туризми каби турлари бозорини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Туризм маҳсулотларини диверсификациялаш ва уларнинг жозибдорлигини ошириш учун бошқа минтақалар, айниқса, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг сайёҳлик ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш бевосита туризмни самарали ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшади [11].

Тадқиқот жараёнида Хоразм вилоятининг қишлоқ ҳудудлари катта туристик салоҳиятга эга эканлиги ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ жойларининг туристик салоҳияти

№	Туризм турлари	Туристик ресурслар	Фойдаланиш имкониятлари
1	тарихий-археологик туризм	тарихий обидалар, археологик қазилмалар	ўрта
2	этнографик туризм	анъанавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фольклор, турли маросимлар	юқори
3	агротуризм	қишлоқ боғлари, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқларнинг ўзига хос кўринишлари	юқори
4	танишув саёҳати	турли ҳил ўқув курслари ва семинарлар (муסיқа, гастрономия, касб-ҳунар ва бошқалар)	ўрта
5	зиёрат туризми	муқаддас қадамжолар, масжид ва бошқа зиёратгоҳ жойлар	ўрта
6	экологик туризм	қишлоқларнинг табиий-географик минтақада жойлашганлиги	юқори
7	соғломлаштириш туризми	соғломлаштириш туризми, туз конлари ва бошқалар	ўрта

Манба: Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Хоразм вилояти қишлоқ жойларида тарихий-археологик туризм ресурсларидан, муқаддас қадамжолардан фойдаланиш имкониятлари ўртача ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида агротуризм, этнографик ва экологик туризм ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари юқори ҳисобланиб, қишлоқ туризмни самарали ривожлантиришга ўзининг катта таъсирини кўрсатади.

Хоразм вилояти туризм бозорида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг бугунги кундаги устунлиги, афзаллиги, заиф жиҳатлари, имконият ҳамда унга нисбатан таҳдидлар SWOT-таҳлил ёрдамида амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилоятида қишлоқ туризми ривожланишининг SWOT-таҳлили

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<ul style="list-style-type: none"> • вилоятда қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг юқорилиги; • вилоятнинг бой табиий-рекреацион потенциалга эга эканлиги; • вилоятда дунё аҳамиятига молик бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларнинг мавжудлиги; • туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга ҳукумат томонидан катта эътибор берилганлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • қишлоқ туризми фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги; • қишлоқ жойларида туризм инфратузилмасини етарли эмаслиги; • қишлоқ туризми бўйича аниқ турмаршрутларни ишлаб чиқилмаганлиги; • қишлоқ туризмни ривожига сармоялар киритилишининг юқори даражада эмаслиги
Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> • маҳаллий аҳолининг даромади ошади; • қўшимча ишчи ўринларини яратилади; • қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланади; • қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма объектлари кўпаяди; • хорижий туристлар келиши ортади 	<ul style="list-style-type: none"> • туризм бозорида рақобатчиларнинг кўпайиши; • экологик вазиятнинг ёмонлашуви; • қишлоқ жойларида туризм сервисининг паст даражада бўлиши оқибатида туризм бозорининг йўқотилиши; • қишлоқ жойларидан меҳнатга яроқли аҳолининг кўчиб кетиши

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

3-жадвалда келтирилган SWOT-таҳлили натижаларига кўра қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг кучли томонлари сифатида асосан вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасининг юқори салоҳиятга эга эканлиги, Хоразм вилоятининг бой табиий-рекреацион потенциали, вилоятда дунё аҳамиятига молик бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларнинг мавжудлиги, туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга ҳукумат томонидан катта эътибор берилганлигини келтиришимиз мумкин.

Хоразм вилоятида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг кучсиз томонлари сифатида қишлоқ туризми фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслигини, қишлоқ жойларида туризм инфратузилмасини юқори даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ туризм бўйича аниқ турмаршрутларни ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда қишлоқ туризмини ривожланишига сармояларнинг киритилиши паст даражада эканлигини қайд қилиш мумкин.

Вилоятда қишлоқ туризмини ривожланиши натижасида бевосита маҳаллий аҳолининг даромади ошади, қўшимча ишчи ўринлари яратилади, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланади, қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма объектлари кўпаяди, шунингдек, қишлоқ ҳудудларига хорижий туристларнинг келиши кўпаяди.

Вилоятда қишлоқ туризмини ривожланишига таҳдид солувчи омиллар сифатида туризм бозорида рақобатчиларнинг кўпайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, қишлоқ жойларида туризм сервисининг паст даражада бўлиши оқибатида туризм бозорининг йўқотилиши, қишлоқ жойларидан меҳнатга яроқли аҳолининг кўчиб кетишини киритиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида амалга оширилган SWOT –таҳлил натижаларидан вилоятда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар самарали фойдаланиши, уларга айнан қишлоқ туризми бозорини заиф томонлари ва таҳдидларини бартараф этиши ҳамда кучли томонларини тўлиқ ишга солиш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш имконини беради ва шу асосда вилоятда қишлоқ туризми бозорини ривожланишига замин яратади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида нафақат тарихий-меъморий, маданий, экологик туризмни ривожлантириш мумкин, балки минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқлардаги ҳаёт тарзи, қишлоқ аҳолисининг анъанавий урф-одатлари ва қадриятлари қишлоқ туризмини ривожлантириш имкониятларини яратади.

Хоразм вилоятида қишлоқ туризмини ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Вилоят қишлоқ жойларида дам олиш масканларини ташкил қилиш лозим. Хусусан, қишлоқ жойларининг об-ҳавоси соф ва тоза бўлган чиройли масканларида рекреацион объектларни ташкил қилиш керак бўлади. Шунингдек, вилоятнинг қишлоқ жойларида туристлар учун отда, туяда сайёҳатлар уюштириш, турли ҳил спорт ўйинларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мевали боғларга, узумзорларга махсус экскурсияларни қилиш мумкин;

- Вилоятнинг қишлоқ жойларида турли ҳил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмаркаларини ташкил қилиш лозим, шунингдек, қишлоқ

хўжалигини ривожлантириш бўйича маҳаллий ва халқаро миқёсдаги анжуманларни, фестивалларни ва ҳунармандчилик кўргазмаларини ташкил лозим;

- Қишлоқ жойларида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида гастронимия туризмни ташкил қилиш мумкин. Масалан, миллий таомларни тайёрлаш жараёнида сайёҳларини бевосита иштирок этиши ва уларни жойида танновул қилиши хусусан, хорижликларда жуда катта қизиқишни уйғотмоқда. Ундан ташқари, қишлоқ жойларида ҳар йили “ҳосил байрам”ларини анъанавий тарзда ўтказишни ташкил қилиш керак. Шунингдек, туман марказларида қовун, қавоқ ҳамда нон сайлларини ўтказиш ҳам сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш имкониятини беради;

- Вилоятнинг баъзи туманларида маҳаллий сайёҳлар учун муқобил бўлган тиббий хизматларни ташкил қилиш мумкин. Масалан, вилоятнинг Янгиариқ туманининг Қалажиқ туз кўлида кўпчилик маҳаллий сайёҳлар шифо топмоқда. Шунингдек, қишлоқ жойларида халқ табобатчилигини ривожлантириш ҳам қишлоқ туризмни ривожлантиришга ўзининг ҳиссасини қўшади;

- Вилоятнинг намунали фермер хўжаликларида турли хил ўқув курслари ва семинарларини ташкил қилиш мумкин. Ушбу ўқув курслар ва семинарлар бевосита фермер хўжаликнинг фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади. Масалан, фермер хўжаликларида боғдорчилик, ўзумчилик, асаларичилик бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш мумкин. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб олишда бевосита иштирокини ташкил қилиш ҳам, қишлоқ туризмни ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшади;

- Вилоятнинг қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги музейлари ва паркларини ташкил қилиш лозим. Хусусан, мактаб ёшида ўқувчилар дам олиш кунларида экскурсия уюштириши мумкин.

- Хоразм вилоятида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қишлоқ жойларида меҳмонхоналарни қуриш ҳисобланади. Ушбу меҳмонхоналар хорижий сайёҳларни жалб қилиши учун жаҳон стандартларига жавоб бериши лозим. Ушбу меҳмонхоналарни қуришда қишлоқ архитектурасини ҳамда миллийликни ўзида мужассам этиши лозим бўлади.

Хоразм вилоятида қишлоқ туризмни ривожланиши ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу туризм хизматларини қишлоқ ҳудудларида ривожланиши натижасида маҳаллий бюджетга тушадиган солиқ тушумлари ошади, янги ишчи ўринлари яратади, қишлоқ инфратузилмаси яхшиланади, қишлоқларнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари қайта тикланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. UNWTO маълумотлари
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури” 2017 йил 4 май. Тошкент.
3. Александрова А.Ю., География туризма, М.: Кно Рус, 2010, 590 с.

4. Э.Клаус. Сельский туризм в Европе – ключевые вопросы успеха. Материалы конгресса – совещания первого международного форума «Сельский туризм в России» М.: ФГНУ «Росинформагротех» 2012. 22-23 с.

5. “Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси”. Экология ахборотномаси. №6, 2007 й., 9-бет.

6. Ollenburg, C. (2006). Farm tourism in Australia: a family Business and rural studies perspective. Doctor of Philosophy Christian-Albrechts University of Keil (Germany) and Griffith University (Australia).

7. Ҳайитбоев Р., Экотуризм. Ўқув қўлланма. СамИСИ, Самарқанд, 2016, 249 б.

8. Э.Тоғаймуродов. Қишлоқ ҳудудларида эко-агротуризмнинг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи омиллар. *Молия ва банк иши илмий электрон журнал*. №3. 2016 йил. 28-37 б.

9. Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2017 йил

10. Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими маълумотлари. 2017 йил.

11. Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент. 2014 йил. 67 б.